

Икки мамлакат ўртасидаги кенг қамровли шериклик муносабатлари ривожини йўлидаги тарихий ташриф

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг таклифига биноан 24-25 июнь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.



Тарихдаги биринчи бўлган ушбу ташриф Ўзбекистон — Мўғулистон муносабатларида янги босқични бошлаб берди ва кўп қиррали ҳамкорлик ривожини учун кенг имкониятлар очди.

Давлатимиз раҳбари ташрифнинг биринчи кунини Улан-Батор шаҳрида Президент Ухнаагийн Хурэлсух билан тор доирада ва кенгайтирилган таркибда музокара ўтказди. Амалий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, энг аввало, савдо-иқтисодиёт ва саноат соҳаларида кооперацияни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух Кенг қамровли шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, Президентлар ҳузурида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

- ўсимликлар карантини ва химияси, олий таълим, тоғ-кон саноати, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар;
- икки мамлакат архив идоралари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;
- Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан Мўғулистон Иқтисодиёт ва тараққиёт вазирлиги ўртасида, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан Мўғулистон Маданият, спорт, туризм ва ёшлар вазирлиги ўртасида 2025-2028 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурлари;

Ташриф давомида олий мартабали меҳмонлар “Наадам” анъанавий мўғул беллашувларини томоша қилдилар.

Мўғулистонга илк ташриф икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари ривожига тарихий воқеа бўлди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мўғулистонга давлат ташрифи якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ 2030 ЙИЛГА ҚАДАР РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг (кейинги ўринларда — маҳаллий Кенгашлар) ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ташвишга солаётган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича ваколатларининг такомиллашётганлиги, шунингдек, **янгиланган Конституцияда** маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-биридан ажратилиши белгиланганигидан келиб чиқиб, **“Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким”** тамойилини рўёбга чиқариш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Мақсадлар

1. Ушбу Фармонни қабул қилишдан қўзланган асосий мақсадлар этиб қуйидагилар белгилансин:

а) маҳаллий даражада **халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш**, жумладан, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда

маҳаллий давлат ҳокимияти **вакиллик органларининг ролини ошириш**;

б) фуқароларнинг маҳаллий бошқарувда кенг иштирок этишига оид **демократлаштириш жараёнларини мустаҳкамлаш**, ижро ҳокимияти органларининг маҳаллий халқ вакиллари олдидаги ҳисобдорлигини ошириш;

в) ҳудудий бошқаруви **“аҳоли манфаатларига хизмат қилиш”** тамойили асосида **номарказлаштириш** ва Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳамда туман ва шаҳар Кенгашлари **ваколатларини мувозанатли тақсимлаш**, ҳар бир бўғиндаги маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг **вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш**;

г) ҳудудлараро савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кучайтириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари **халқаро ҳамкорлигининг** ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш.

Давоми 2-бетда



ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ АРХИТЕКТУРАСИ

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА УМУМИЙ ИНТИЛИШНИ НАМОЁН ҚИЛАДИ

Хорижий эксперт доиралари вакиллари Ўзбекистон Президентининг Мўғулистонга давлат ташрифи якунлари ҳақида

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 24-25 июнь кунлари Мўғулистонга давлат ташрифи икки мамлакат муносабатларида тарихий воқеа бўлиб, ўзаро ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди. Бу Ўзбекистон

етақисининг Улан-Баторга биринчи ташрифи ҳисобланади ҳамда расмий Тошкентнинг Шарқий Осиё минтақасида дипломатик ва иқтисодий иштирокини кенгайтириш истиқтини ақдол намоён этади.

Давоми 2-бетда

ҚАДРИЯТЛАР ҚЎРИҒИДАГИ ИҚТИСОДИЁТ

САЁҲАТ ЗАВҚИМИ ЁКИ МАСЪУЛИЯТ?

Инсон табиати изланиш, англаш ва маънони кашф этишга мойил. Бу йўлдаги муҳим воситалардан бири — саёҳат. У фақат макондан маконга йўналиш эмас, балки шахс камолоти, дунёқараш кенгайиши ва турфа маданиятларни англаш йўлидир.

Хусусан, XXI асрда саёҳат инсон ҳаётида нафақат маданий завқ манбаи, балки жамият тараққиётига хизмат қилувчи воситага айланиб бормоқда. У глобал мулоқот, маданиятлар ўртасида кўприк ва иқтисодий ўсish учун асосий майдон вазифасини ўтамоқда.

Глобал алоқа ва миллий ўзлик ўртасидаги мувозанат

Кейинги йилларда юртимиз бой тарихи, маданияти, ноёб меъморий мероси ва меҳмондўст халқи орқали халқаро туризм хартисидagi ўрнини мустаҳкамлаб борапти.

Давоми 4-бетда

ҚАДРИ ТОҒ — ҚАЛБИ ДАРЁ ЭЛ

Қадимдан давлатлар тамаддуни, инсоният камолотида сув ва олов унсурлари муҳим ўрин тутган. Илк давлатчилик, турмуш тарзи, маданият ривожланган Месопотамия, Миср, Ҳиндистон, Хитой цивилизацияларининг барчаси Дажла ва Фурот, Нил, Ҳинд ва Ганга, Вей ва Хуанхе дарёлари бўйида юзага келгани бежиз эмас...

Осмон остидаги осмон дея таърифланган пурвиқор Ҳисор тоғ тизмаларидан сакраган Қашқадарё суви Китоё, Шаҳрисабзнинг эшил қир-адирларидан учқур от каби югуриб ўтади. Сўнг Яқкабоғ боғларидаги дарахтларнинг илдизини силаб, қувват беради ва Чироқчи, Қамашин яйловларига гул-лолалар сепади. Қарши, Муборак чўлларида жанг майдонида яраланган, бемажол, аммо ҳаёт байрогини қўлида тик тутган аскардай кириб боради. Эртақларда сўзланганидек, абадий ёшлик булоғи ўзани бўйлаб ястанган бепоён Қашқа воҳасига узоқ йиллардан бери жон бағишлаб келади.

Дарё-чи, шамишр каби ялтираб ётар дарё,
Тушовидан бўшалан от каби чопар сарсон.
О, сен дарбадар дарё, о, сен серхатар дарё,
Бунчалар вазминсану бунчалар қув, ўжарсан!

Атоқли шоир Абдулла Орипов шеърида ёзгандек, Қашқадарё — қувлик, гоҳ ўжарлик, гоҳ вазминлик билан воҳа халқининг ҳаётига баъзан синов, кўп ҳолларда қўт-барака, фаровонлик олиб қиради. Ўзани бўйларига ястанган тарихи икки-уч минг йиллик ўтмишга бориб тақаладиган Қашқа воҳаси цивилизациясида бу нахр энг муҳим унсур вазифасини ўтайди.

Давоми 3-бетда



ТЕЖАМКОРЛИК — РИЗҚ-НАСИБА БУТУНЛИГИ 6

ҚУЁШ ПАНЕЛИДА ИШЛАЙДИГАН СУВ НАСОСИ

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР УЧУН ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯ

Ҳамма яхши яшашга, фаровон ҳаёт кечиришга интилади. Аммо айрим ижтимоий муаммолар, турли вазиятлар борки, бунга йўл бермайди. Камбағаллик ана шундай ижтимоий муаммолардан.

Атрофимизда бирор қийналган оила бўлса, инсонийлик жиҳатидан унга ёрдам қўлини чўзамиз. Бироқ қўлдан берганга қуш тўймайди. Бир оиланинг фаровон ҳаёт кечириши учун доимий даромад манбаи зарур. Мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган ислохотларнинг бош

мақсади ҳам шу. Кам таъминланган оилалар аъзоларининг қизиқиши, ҳудуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бандлигини таъминлаш орқали даромадини ошириш чоралари кўриляпти.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н ИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ
ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ 2030 ЙИЛГА ҚАДАР
РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

II. Дастурий ҳужжатлар ва уларни амалга ошириш механизмлари

2. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

б) Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиклансин;

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ташаббускорлигини янада ошириш мақсадида қуйидаги ваколатларни Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиш бўйича таклифларга розилик берилсин:

а) давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун **ижара тўловининг** энг кам ставкаларини белгилаш;

б) **дафн этиш** жойларини сақлаш **қондаларини** ва **дафн этиш** хизматларини кўрсатиш бўйича **тарифлар** миқдорини тасдиқлаш;

в) **ижтимоий муҳофазага муҳтож**, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган **шахсларни** ишга қўйлаштириш учун иш ўринларининг **энг кам сонини белгилаш** ва **захирaga қўйиш**;

г) йўлларнинг айрим қисмларида **ҳаракатланган тезлигини оширишга** ёки **камайтиришга** (тегишли йўл белгилари ўрнатиб) **рухсат бериш**.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишда маҳаллий **бюджет харажатларининг** муайян қисмини маҳаллий Кенгаш **депутатларининг бевосита ташаббуси** асосида шакллантириш амалиёти йўлга қўйилди;

б) Олий Мажлис палаталари ҳузуридаги ёшлар парламентлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, жамоатчилик асосида маҳаллий Кенгашлар қошида **Ёшлар гуруҳлари** ташкил этилади;

в) маҳаллий Кенгаш ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда илмий доиралар вакилларида иборат жамоатчилик асосида фаолият юритадиган **Маслаҳат гуруҳлари** ташкил этилади;

г) маҳаллий Кенгашлар котибиятлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан **мустақил молиявий ҳисоб-китоб тизими** жорий этилади;

д) Халқ депутатлари маҳаллий **Кенгаши** ранси **ўринбосари** институти ташкил этилади.

5. **Концепция доирасида** қуйидаги таклифларни амалга оширишга розилик берилсин:

а) вилоят, Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарлигига **номзодлар**ни тегишли маҳаллий Кенгашлар **доимий комиссияларида дастлабки тарзда муҳокама қилиш**, Кенгаш сессияларида номзодлар томонидан ўз йўналишлари бўйича ҳудудни ривожлантириш **дастурларини тақдим этиш** тартибини жорий этиш;

б) маҳаллий Кенгашларда депутатлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг айрим муҳим ижтимоий масалалар юзасидан ахборотларини эшитиш бўйича **“Кенгаш соати”** институтини жорий қилиш;

в) маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг ташкилий-молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларини маҳаллий **бюджет параметрларида алоҳида кўрсатиш** орқали маҳаллий маҳаллий Кенгаш **депутатларининг бевосита ташаббуси** асосида шакллантириш амалиёти йўлга қўйилди;

г) маҳаллий Кенгашларнинг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияларига Кенгаш қарори билан лавозимга тасдиқланадиган, тайинланадиган, лавозимга тайинланишида Кенгаш розилиги олинмаган мансабдор шахслар томонидан **одоб-ахлоқ нормаларини бузганлик** бўйича ишларни қўриб чиқиш ҳуқуқини бериш;

д) Маҳаллий Кенгаш қарорларини қабул қилиш жараёнларининг очиқлигини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг **сессия ишини бевосита кузатиш** имкониятини яратиш. Бунда маҳаллий Кенгаш сессияларида фуқароларнинг сессия ишига аралашishi ҳуқуқисиз кузатувчи сифатида иштирок этиши тартибини белгилаш.

III. Ахборот ва дастурий таъминот

6. Рақамли технологиялар вазирлиги босқичма-босқич **“Е-Kengash”** электрон платформасини **“қулайлик — соддалик — хавфсизлик”** тамойили асосида доимий такомиллаштириб бурсин. Бунда “Е-Kengash” электрон платформасида қуйидаги асосий имкониятлар бўлиши назарда тутилсин:

а) маҳаллий Кенгашлар фаолиятига доир ҳужжатларни хавфсиз электрон архив платформасида (**blockchain**) сақлаш имкониятини жорий этиш;

б) катта ҳажмли маълумотлар билан ишлашда жамланган намунавий ҳужжатлар, таҳлилий маълумот, ҳисобот ва ахборотлардан фойдаланишни йўлга қўйиш орқали қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида тезкорлик ва қулайлик яратиш;

в) “Е-Kengash” электрон платформасини турли ташқи хавфлардан ҳимоя қилиш,

ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва **киберхужумларнинг олдини олиш** нуктаи назаридан такомиллаштириш;

г) **“Е-Kengash”** электрон платформасида ҳужжатларни тасдиқлаш ва имзолашда Кенгаш раисини биометрик идентификациялаш (Face ID) технологияларини жорий этиш;

д) **сунъий интеллект технологиялари** асосида маҳаллий Кенгашлар қарор лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича **“йўл харитаси”**нинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини муҳокама қилиб бориш тавсия этилсин.

8. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу Концепция доирасида амалга ошириладиган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бурсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,
2025 йил 23 июнь

Ш. МИРЗИЁЕВ

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ АРХИТЕКТУРАСИ
БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА УМУМҲИЙ ИНТИЛИШНИ НАМОЁН ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Ташриф чоғида олий даражадаги музокаралар ўтказилди, унинг якунлари бўйича Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасида Кенг қамровли шериклик муносабатларини ўрнатитиш тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Ушбу ҳужжат томонларнинг савдо ва инвестициядан тортиб, таълим, маданият ва халқаро ҳамкорликкача бўлган барча муҳим йўналишларда ўзаро алоқаларни чуқурлаштиришга тайёр эканлигидан далолат беради. Бу, шунингдек, расмий Тошкент ва Улан-Батор ўртасидаги ҳамкорликнинг узок муддатли истикболга йўналтирилган янги форматини ҳам белгилаб берди.

Ҳамкорликнинг янги архитектураси умуий стратегик манфаатлар, суверенитет ва ҳудудий яхлитлиқни қўллаб-қувватлаш ҳамда

барқарор ривожланишга интилишнинг умуий истагини намоён қилади.

Ташриф давомида давлат раҳбарлари минтақавий барқарорлик, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. Ташрифнинг аҳамияти ва эришилган келишувлар сиёсатшунослар, халқаро муносабатлар бўйича экспертлар, минтақавий дипломатия мутахассислари учун муҳим мавзуга айланиб бормоқда.

Халқаро экспертлар таъкидлаш кўра, Ўзбекистон — Мўғулистон мулоқоти тобора барқарор ва прагматик тус оляпти, икки томонлама алоқалар динамикаси эса ўзаро манфаатдорликдан далолат беради.

Солих ЙИЛМАЗ,
Россия ва МДХ мамлакатлари тадқиқотлари
институти директори, профессор (Туркия):

— Ташриф нафақат икки томонлама Ўзбекистон — Мўғулистон муносабатлари контекстида, балки кенгроқ Евроосиё микёсида ҳам йирик ташқи сиёсий воқеа бўлди. Бундай юксак савияда илк бор амалга оширилган ташриф Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги стратегик ўзгаришлар, дипломатик ва иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш йўлидан бораётганидан ёрқин далолатдир.

Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасидаги яқинлашув денгизга чиқиш имконига эга бўлмаган икки давлатнинг ўзаро ёрдамни қулайтириш ва барқарор транспорт-логистика йўналишларини яратиш истагини асқ эттирди. Қуруқликдаги транспорт йўлакларини оптималлаштириш бўйича қўшма тадқиқотлар ўтказиш тақлифи узоқни кўзлаган ташаббус бўлиб, Евроосиё логистикаси харитасини ўзгартириш имкониятига эга.

Айниқса, етакчилар ўртасидаги мулоқот декларатив эмас, балки амалий характерга эга бўлгани жуда муҳим. Асосий эътибор геология-қидирув, тоғ-кон саноати, саноат коопе-

рацияси, агросаноат ишлаб чиқариши масалаларига қаратилди. Бу прагматик иқтисодий ҳамкорликнинг янги босқичи бошланганидан далолат беради. Улан-Баторда Ўзбекистоннинг тоғ-кон саноати бўйича тармоқ ваколатхонасининг очилиши қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қўмаклашувчи жиддий институционал қадамдир.

Битимларни амалга ошириш бўйича қабул қилинган “йўл харитаси” томонларнинг эришилган келишувлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган сиёсий иродасининг муҳим кўрсаткичидир. Тадбиркорлик субектлари, саноат бошқармаларининг иштироки, Ўзбекистон маҳсулотлари савдо уйининг ишга тушурилиши иқтисодий ҳамкорликнинг барқарор динамикасини таъминлай оладиган механизмлар саналади.

Мўғулистонда Ўзбекистон маданияти кунларининг ўтказилиши, академик алмашинувга алоҳида эътибор қаратилаётгани халқаро муносабатларда “юмшоқ куч”ни ривожлантириш зарурлигини чуқур англаганидан далолат беради. Ўзбекистоннинг мўғулистонлик ёшларнинг таълим олиши учун квоталарни қайта тиклашга тайёрлиги узоқ муддатли гуманитар ҳамкорликка асос бўладиган стратегик ёндашувдир.

Ишончим комилки, Ўзбекистон ва Мўғулистон Марказий Осиё ҳамда Шарқий Европа-Осиёда барқарорлик, алоқадорлик ва ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган ҳар томонлама ва институционал шериклик асосларини яратди. Ушбу ташриф дипломатия нафақат раъмий яқинлашув, балки реал иқтисодий ва институционал ўсиш учун восита бўлиши мумкинлигига мисол бўла олади.

“Ишончим комилки, айнан шундай ташрифлар Ўзбекистоннинг масъулиятли, очик ва узоқни кўра оладиган давлат сифатидаги замонавий қиёфасини шакллантиради. Бу эса Ўзбекистоннинг кучли етакчиси раҳбарлигидаги дипломатия тинчлик, барқарор тараққиёт ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қўмаклашаётганига яққол мисолдир.

Альберт ТАМ,
Хитойнинг “Inter Continental Group” компанияси
президенти, Цзянси молия ва иқтисодиёт университети
профессори:

— Ўзбекистон Марказий Осиёдаги асосий давлат сифатида кўп томонлама алоқаларини изчил кенгайтириб бормоқда.

Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мўғулистонга ташрифи, шубҳасиз, шерикликни диверсификация қилиш стратегиясининг бир қисми бўлиб, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб беради.

Ўзбекистон раҳбарининг ушбу мамлакатга илк давлат ташрифи давомида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар гоёт раъмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, унда асосий эътибор иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилди.

Ашраф Абу АРАФА,
Мисрнинг “Ал-Дипломаси”
ахборот агентлиги бош
муҳаррири:

— Ташриф икки мамлакат алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги тарихий ва стратегик муҳим қадам бўлди. Мен минтақани ўрганувчи инсон сифатида Ўзбекистоннинг Осиё давлатлари билан дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган изчил дипломатиясига қўйил қоламан.

Давлат ташрифи, айниқса, икки томонлама муносабатлар тарихида илк бор амалга оширилаётгани билан аҳамиятлидир. Кенг қамровли шериклик муносабатларини ўрнатитиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоланиши юксак ишонч даражасини кўрсатиб, Ўзбекистон — Мўғулистон муносабатларида янги даврни очди.

“Транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Экспертлар ҳамжамиятини жалб қилган ҳолда тўғридан тўғри авиарейсларни йўлга қўйиш ва янги логистика йўлакларини ўрганиш режалари стратегик аҳамиятга эга.

Ишончим комилки, мазкур тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ҳар икки давлатнинг иқтисодиёти ва халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлаш имконини беради.

ЎЗБЕКИСТОН — МЎҒУЛИСТОН:
ЎЗАРО ҲУРМАТ,
МАНФААТ ВА ТАРАҚҚИЁТГА
АСОСЛАНГАН ШЕРИКЛИК

Давлатимиз раҳбари жорий йил 24-25 июнь кунлари Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди. Мазкур ташриф икки давлат ўртасидаги алоқаларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги босқичга кўтарилди. Ушбу алоқалар изчил ва тизимли ҳамкорликка асосланиб, сиёсат, савдо, таълим, логистика ва маданият каби кўплаб йўналишни қамраб олмақда. Икки давлат ҳам конструктив мулоқот ва минтақавий ўзаро боғлиқлик тарафдори. Бу ўринда фаол шериклик бизнес вакиллари, инвесторлар, илмий доира ва икки давлат аҳолиси учун янги имкониятлар эшигини очмоқда. У миллий иқтисодиётларни модернизация қилиш, ташқи алоқаларни диверсификациялаш, глобал муаммолар шароитида барқарорлиқни таъминлашга қўшимча туртки бўлмақда.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан кейин ўтган ўттиз йилдан ортиқ вақт давомида биринчи марта Ўзбекистон Президенти Улан-Баторга давлат ташрифи билан борди. Ушбу ташриф ўтган йилнинг июнида Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида бошланган фаол сиёсий мулоқотнинг мантикий давомидир.

Ўзбекистон ва Мўғулистон географик жиҳатдан узоқ жойлашган ва умумий чегараларга эга бўлмасда-да, ўзаро алоқалар дипломатия, иқтисодиёт, транспорт, маданий ва гуманитар соҳаларда жадал ривожланмоқда. Хусусан, Тошкентда Мўғулистон элчихонасининг очилиши, ҳукуматлараро ва парламентлараро мулоқот фаоллашгани, икки томонлама 14 та битим имзолангани ўзаро ишонч ва шерикликни чуқурлаштириш истаги кучайганидан далолат беради. Эътиборлики, битимлар орасида иқтисодий, савдо-инвестиция, туризм, логистика каби қатор йўналишларни қамраб олган ҳужжатлар бор. Бу келишувлар “йўл харитаси”даги аниқ режаларга асослангани билан аҳамиятли.

Президентимизнинг ушбу мамлакатда давлат ташрифи арафасида ва ташриф доирасида ўтказилган тадбирлар ана шундай яқин ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Ташриф доирасида Улан-Баторда Ўзбекистон санъат ва туризм тадбирлари бўлиб ўтди. Икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида ўтказилган қўшма бизнес

форум ва маданий учрашувлар фикримиз тасдиқлайди. Айниқса, тадбиркорларнинг юзма-юз учрашувлари, бизнес кўприқлар орқали тўғридан тўғри алоқалар ўрнатилгани қувонарли ва амалий самара берувчи жараёндир. Шунингдек, Улан-Баторда Ўзбекистон маҳсулотларининг шоурумига эга савдо уйи очилди.

Мўғулистонда илк бор Ўзбекистон маданият кунлари ўтказилди. Унинг доирасида мамлакатимиз тарихи ва бугунги ҳаётига бағишланган фотоқўرғазма ҳам намоиёш этилди. Маданият кунларининг яна бир ёрқин қисми эса концерт дастури бўлди. Мўғулистонлик томошабинлар ўзбек миллий рақслари, мақом санъати ва аъёнавий куйлари билан танишиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон маданият кунлари нафақат икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, балки халқлар ўртасидаги ўзаро тушуниш, дўстлик ва яқинлиқни ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Ўзига хос географик жойлашувига кўра, Ўзбекистон ва Мўғулистоннинг муаммолари ўхшаш. Хусусан, иккала мамлакат ҳам тўғридан тўғри денгизга чиқиш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ҳам мулоқотларда денгизга чиқиш имконияти бўлмаган мамлакатлар учун халқаро таҳлил институти билан биргаликда энг қисқа ва самарали транспорт йўлакларини аниқлаш бўйича амалий тадқиқотлар ўтказиш таклифи билдирилди.

Транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва янги логистика йўналишларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Йил якунига қадар икки мамлакат пойтахтлари ўртасида тўғридан тўғри авиакатновларни йўлга қўйиш режалаштирилди.

Бу эса мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни яқинлаштириш билан бирга, халқларни бирлаштириш, ўзаро маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий салохиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Қамолиддин ТўРАЕВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институти катта илмий ходими

Пойтахтлар ўртасида тўғридан тўғри авиакатновлар, қўшма лойиҳалар ва таълим дастурларини йўлга қўйиш — буларнинг барчаси икки мамлакат халқларига сезиларли фойда келтиради.

Ташриф билан бирга Мўғулистонда Ўзбекистон маданияти кунлари ҳам бўлиб ўтгани қувонарлидир. Бундай тадбирлар нафақат маданий яқинлашувга, балки халқлар ўртасида мустаҳкам инсоний ришталарнинг шаклланишга хизмат қилади.

Ишончим комилки, айнан шундай ташрифлар Ўзбекистоннинг масъулиятли, очик ва узоқни кўра оладиган давлат сифатидаги замонавий қиёфасини шакллантиради. Бу эса Ўзбекистоннинг кучли етакчиси раҳбарлигидаги дипломатия тинчлик, барқарор тараққиёт ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қўмаклашаётганига яққол мисолдир.

Мен ҳар икки давлатни ушбу ажойиб воқеа билан табриқлайман!

Виктор КИМ,
Тожикистон Миллий фанлар академияси
Фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ институти
илмий ходими:

— Давлатлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган халқаро муносабатлар тизимида Ўзбекистон — Мўғулистон шериклигини муносиб ижобий намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Президент Шавкат Мирзиёев 2024 йил 23-26 июнь кунлари Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг Ўзбекистонга биринчи давлат ташрифи чоғида таъкидлаганидек, улар вазиятга боғлиқ эмас. Ана шундай тамойилларга асосланган икки томонлама муносабатлар ҳукуматлар, парламентлар ва вазирликлар даражасидаги алоқаларни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб, мамлакатларни яқинлаштириш ва ҳамкорлик соҳаларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Бошланиши 1-бетда

Қийин шароитдан чиқишга интилиб, чора тополмаётган инсонга кўрсатиладиган кичик ёрдам ҳам унинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Бугун ана шундай ўзгаришлар билан яшаётган минглаб юртдошларимиз ҳақида биламиз. Маҳалла кўмағида олинган имтиёзли кредит, бирор хўнара бошлаш учун берилган беминнат иш қуролиари сабаб камбағал оилалар иш берувчи тадбиркорга айланганлар қанча. Ўзим ҳам уларнинг бир нечаси ҳақида мақолалар тайёрлаганман. Очиги, имконият тўғри чамаланса, йўналиш аниқ кўрсатилса, энг муҳими, одамнинг ўзида ҳаракат бўлса, ҳозир бир чеккада қашшоқ бўлиб яшашнинг имкони йўқ. Ҳеч бўлмаса, уйингизга нега бекор ўтирганингизни сўроқла келиб, бирор иш бошлашни таклиф қилувчиларнинг қадами узилмайди. Ҳол-аҳвол сўровчилар эса кўшнилариингиз эмас, давлат идоралари вакиллари бўляпти.

Шу йил 16 июнь куни давлатимиз раҳбари раислигида ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу жиҳатга такрор ва такрор уруғ берилди. Аҳолининг дарду ташвишларини эшитиб, уларга шароит яратиб бериш раҳбарларнинг асосий вазифаси экани таъкидланди. Энди одамлар муаммолари билан ишлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилиши белгиланди.

Сув бўлса, томорқадан фойдаланувчилар кўпаяди

Сурхондарё вилояти Қизилқум тумани Такия маҳалласи оғир ҳудудлардан. Бу ерда ишсизлик ва камбағаллики қисқартириш Кадастр агентлиги зиммасига юклатилган.



Дастлабки жараёнда ҳудуд ўрганилиб, аҳолининг асосий даромад манбаи деҳқончилик ва чорвачилик экани аниқланди. Маҳаллада истиқомат қиладиган 3882 кишининг аксарияти хонадонидagi томорқада маҳсулот етиштирилади. Аммо олинган ҳосилининг асосий қисми

рўзгордан ортмайди. Бир қисмигина бозорга олиб чиқилади. Хонадон эгалари шундан озгина даромад қилади.

Ҳосилнинг кўп эмаслиги сўғоришдаги муаммолар билан ҳам боғлиқ. Маҳалладаги ариққа яқин жойлашган 20 та хонадон шахсий электр насоси орқали сув чиқарган. Унга сарфланидиган электр энергияси харажати чўнғитиб бақувват оилани ҳам қийнаб қўяди. Камбағал оилани-ку айтмаса ҳам бўлади. Одамлар томорқаси, билагиди кучи бўлади.

ишлайдиган сув насоси ўрнатиб берилди. Куёш панелининг қуввати 60 киловатт. Кун давомида насос ҳеч қандай харажасиз ишлайди. Замонавий сув насоси маҳалладаги 200 та хонадонни сув билан таъминламоқда. Қурилма соатига 1000 куб метр сув чиқаради. Ҳудудда 8 та кўча бўлиб, уларда яшовчиларнинг томорқаси ҳар куни навбати билан сугорилади.

Сув чиқариш насоси куёш панели ёрдамида ишлагани боис, ундан фойдаланиш аҳолига теккин тушяпти. Яъни қурилма одамларнинг сугориш учун сарфланидиган электр энергияси харажатини камайтирди. Сугориш билан боғлиқ муаммо ечилгани камбағал оилаларнинг ҳам томорқадан фойдаланиш самарадорлигини оширмоқда.

— Мамлакатимизда камбағаллики қисқартириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган, — дейди Кадастр агентлиги директори ўринбосари Абдушукур Абдуллаев. — Бунинг учун давлатимиз раҳбарининг алоҳида қарори билан “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ҳам ишга туширилган. Унда барча давлат ва ҳўжалик бошқарув органларига муайян ҳудуд бириктирилиб, улардаги кам таъминланган оилаларни камбағалликдан чиқариш вазифаси белгиланган. Кадастр агентлигига ҳам юртимиз бўйлаб бир қанча ҳудуд, хусусан, турли вилоятлардаги айрим маҳаллалар бириктирилган. Қизилқум туманидаги маҳаллалар шулар жумласидан. Бугунга қадар тумандаги 34 та оиланинг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш мақсадида чорва моллари, турли иш қуролиари топширилди. Техникани бериш билан иш битмайди. Тажрибаси бўлмаган одамга маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатиш ҳам зарур. Жа-



раёнда кам таъминланган оилалар аъзоларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ёки томорқадан самарали фойдаланишига кўмаклашиш ҳам асосий вазифамиз ва бу борадаги ишлар ҳам тизимли бажарилмоқда.

Ҳам иқтисод, ҳам даромад

Сугориш тизимида куёш нуридан фойдаланиш — янгича ечим. Бошқа жиҳатдан, ҳозир юртимизда барча соҳа ва тармоқда энергиятежамкор, экология учун зарарсиз, арзон ва қайта тикландиган энергия манбаларидан фойдаланишга ўтилаётганининг натижаси бу. Самардорлигини эса чамалаш қийин эмас. Мана, Такия маҳалласи бир мисол. Камбағал оилалар электр энергияси харажати сабаб

сув чиқариш насосидан фойдалана олмаган. Табиий шароитда сугоришининг эса доим ҳам имкони йўқ, ариқларда сув сазёлаб кетган бугунги шароитда томорқадан рўзгорга етарли ҳосил олинса ҳам катта гап.

Замонавий сув насослари бунинг ўзига хос ечими бўлади. Бундай технологияни юртимизнинг барча ҳудудда қўллаш ҳаракати бошланган. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1-2 май кунлари Хоразм вилоятига таширифта вилоятда экин майдонига сув чиқариш осон эмаслиги, мамлакатдаги насосларнинг 21 фоизи шу ерда жойлашгани, уларга куёш панели ўрнатиб, электр харажатини иқтисод қилиш муҳимлиги таъкидланганди. 2138 та насосни шу тизимга ўтказиб, Хоразм тажрибасини яратиш зарурлиги кўрсатилган.

Куёш панелида ишлайдиган сув насосини ўрнатишдан мақсад аҳоли харажатини камайтириш баробарида томорқадан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини оширишга ҳам қаратилган. Чунки мамлакатимиздаги қатор ҳудудлар тажрибаси томорқанинг аҳоли учун яхшигина даромад манбаи эканини кўрсатди. Такияликлар ҳам амалиётда бунга амин бўляпти.

Дастлаб маҳалла аҳлига турли сабзавот, полиз ва дуккакли экинлар етиштириш, мавсумий маҳсулотларни жамлаш ҳамда бозорда сотиш борасида амалий тавсиялар берилди. Томорқадан йилда бир неча маротаба ҳосил олиб, доимий ёки қўшимча даромад манбаи яратиш мумкинлиги кўрсатилди. “Очиги, томорқадан унумли фойдаланиб, яхши даромад олиш борасида Сайхунобод тажрибасига ҳавас қилардик. Аммо сугориш билан боғлиқ муаммо сабаб бозорбоп маҳсулот етиштира олмаганимиз. Сув насоси ўрнатилганидан кейин ўзимиз ҳам турли маҳсулотларни етиштиришга қизиқиб, киришиб кетдик”, дейди фуқаролардан бири.

Аваллари ҳудуд аҳолиси, асосан, беда етиштирган. Сайхунобод тажрибаси ҳақида ёзганимизда туман мутасаддиси билан беда ва сабзавот экинларининг бозордаги нархини ҳисоблаб кўргандик. Ўртадаги фарқ бир неча баробар юқори. Ваҳоланки, аҳолининг кўпи бедани ҳатто сотмайди ҳам, асосан, чорва учун етиштиради, ер бўш турмаслиги учун бир эрмак.

Такия маҳалласи энди томорқага даромад манбаи сифатида қарай бошлади. Йилнинг қайси фасли бўлмасин, сувдан хавотир олмайди, куёш панелида ишлайдиган насос доим ишлаб туради. Одамлар ерга қадаган экинини вақтида сугориб, кўкартиряпти. Хонадонлардаги томорқада сабзавот ва полиз экинлари, кўкатлар етиштириляпти. Аҳоли оладиган ҳосилини оилавий эҳтиёждан орттириб, бозорга олиб чиқади.

Айтганча, Янгийўл туманидаги кўкат етиштиришга ихтисослашган маҳаллалар ҳақида ёзганимизда одамлар томорқасидан йил давомида тиндирмай ҳосил олиши, кўкатдан яхшигина даромад топишига шахсан гувоҳ бўлгандим. Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, дейишгани рост. Ҳозир томорқага кириб олиб, тинимсиз меҳнат қилишдан кўра, замонавий техника ёрдамида билимга асосланган усуллари қўллаш анча самара беради.

Куёш панелида ишлайдиган сув насосини оилалик. Қурилма ёрдамида сув чиқариш учун инсон омилга таъсири керак эмас, тўлиқ электрон тизим асосида ишлайди. Техникадан ҳудудда электр энергиясида узилиш бўлган вақтларда ҳам фойдаланиш мумкин. Чунки қурилманинг ишлаши умумий тармоққа боғлиқ эмас. Куёш нуридан қувват олади ва кун давомида ишлаб беради. Бу экинларни сугориш жараёнида узилиш бўлмади, сув узлуксиз таъминланди, дегани.

Куёш панели харақатга келтиратган сув насоси нафақат иқтисодий, балки экологик жиҳатдан ҳам самарали. Инновацион ёндашув эса аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиляпти.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мулоҳаза



Бошланиши 1-бетда

Сайёҳлик бугун юртимиздаги истиқболли соҳалардан бирига айланди. Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг туризм экспорти 1,6 баробар ошиб, 4 миллиард долларга яқинлашди. Бу рақам ортда мамлакатдаги фаолият, тадбиркорлик муҳити ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги сифат ўзгаришлари мужассам. Яъни туризм бугун нафақат миллий иқтисодиётнинг муҳим устуни, балки ижтимоий барқарорлик омилли ва кўплаб оилаларнинг даромад манбаига айланди.

Албатта, ҳеч бир соҳа ташки омилларсиз ривожланиши қийин. Бугун юртимизда ташки инвестицияларни соҳаларга йўналтириш бўйича қатор ишлар қилинмоқда. Энди халқаро маънавий ташкилотлари, ишбилармонларнинг сармоясини мамлакатимизга йўналтириб, бизнесини очиши Ўзбекистонга ишончидан дарак.

Давлатимиз раҳбари IV Тошкент халқаро инвестиция форумида “Келинг, биргаликда шундай инвестиция муҳитини яратайликки, у даромад келтириш билан бирга, инсон қадрини улуғлайдиган, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлайдиган ва жамият раванглигига хизмат қиладиган мустаҳкам пойдеворга айлانسин!” дея таъкидлади.

Утган 8 йилда соҳага 6 миллиард 500 миллион доллар сармоя киритилиб, 130 мингта меҳмон ўрни очилган. Шунингдек, сўнгги йилларда тармоқда 2500 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият юрита бошлагани бунга аққол мисол.

Бу ишбилармонлар кўпайиши, янги иш ўринлари очилиши билан бирга, ватандошларимиз дунёқарашиди туризмнинг бизнес, хизмат кўрсатиш ва маданият омилли сифатида қабул қилина бошлаганидан далолат беради.

2024 йилда Ўзбекистонга 10 миллиондан ортиқ хорижий сайёҳ келган. 2023 йилда бу рақам 6 миллиондан зиёдини ташкил этган бўлса, 2022 йилда 5 миллиондан ортиқ киши

юртимизда меҳмон бўлган. Рақамлар орасидаги тафовутдан ҳам соҳадаги ютуқни кўриш мумкин. Бу фақат валюта тушуми ёки рақам эмас, балки юртимизга ишонч, қизиқиш ва эҳтиромнинг ўзга халқлар онгида қарор топаётганидан дарак беради.

Ички туризм ривожланмоқда

Олдинлари бир вилоятдан иккинчи вилоятга сайёҳат қилиш учун асосий улов енгил автомобиль эди. Йўлқирани аксарият аҳолининг чўнғитиб кўтармасди. Шу боис, маҳаллий туризм кўрсаткичи жуда паст эди. Энди вилоятлараро замонавий автобуслар, теъзорлар поездлар қатнови йўлга қўйилиши, маҳаллий аэропортлар қурилиши ёки таъмирдан чиқиши ортдан ички туризм ҳам ривожланмоқда. Шунингдек, ҳар бир вилоятга замонавий талабларга жавоб берадиган жамоавий транспортлар келтирилиши ҳам шаҳарлар ичида қулай жамоат транспорти шаклланишига туртки бермоқда. Сўнгги йилларда ички туризмга эътибор кучайгани туфайли маҳаллий сайёҳлар сони 23 миллионга етган.

Мададий мерос объектлари реставрацияси ва консервацияси шунчаки биноларни таъмирлаш эмас, балки халқнинг ўтмиш билан узвий алоқасини тиклаш, миллий ўзлигини асраб қолиш жараёнидир. Сўнгги тўрт йилда 327 та бундай объектда қайта тиклаш ишлари бажарилгани — давлатнинг маданиятга, тарих ва маънавиятга эътиборининг амалий ифодаси.

Ички туризм ривож жамиятнинг ўзига қараш салоҳияти, ўзини англаш даражаси ва маънавий юксалиш ўлчовидир. Ўз юртини билишга ҳаракат қилган миллатгина дунёга



чиққанда бошини баланд кўтариб, сўзини айта олади. Бу жараёнда ҳар бир ташаббус, ҳар бир ислохот маънавият ва масъулиятга хизмат қилмоқда.

Сон ошиб бормоқда, аммо...

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар орқали келгусида сайёҳлар сонини 15 миллионга етказиш ва экспорт қийматини 4 миллиард доллардан ошириш режалаштирилмоқда. Бу мақсад фақат рақам эмас, балки амалий қадамлар билан мустаҳкамланиб, иқтисодий ўсишнинг янги босқичига кўтарилишга қаратилган муҳим стратегиядир. Туризмга фақат иқтисодий манба сифатида эмас, балки миллатнинг мададий бойликларини дунёнинг турли бурчақларига

етказиш, халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш воситаси сифатида ҳам қараш керак.

Сайёҳлик фаолияти ривожланиши билан бирга, тарихий муҳитни тўғри сақлаш масаласи ҳам тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бир томондан, туристлар учун қўлайлик яратибли, уларни жалб этувчи турли хизматлар кўпаяётгани қувонарли ҳол. Аммо кўп ҳолларда бу “қўлайликлар” тарихий обидаларнинг кадр-қимматини сусайтираётгандек.

Яқинда Хоразмга бордим. Ичанқалъа зиёратида гуруҳ-гуруҳ бўлиб айланиб юрган маҳаллий болаларни кўриб, ташқаридан қараган одам уларнинг тарихни ўрганишга иштиёқи баланд деб ўйлаши табиий. Зотан, ёш авлодга тарихни фақат дарсликлар эмас, балки муҳим орқали, шахсий намуна асосида англаштишимиз зарур. Бу тарих, бу мерос фақат туристлар учун эмас, аввало, биз — ўзбеклар учун табаррук ва бағрикенг тарбия манбаи бўлиши керак. Кўп ўтмай, фикрим ўзгарди. Аввало, бу

кийим-кечак, ҳўнамандчилик дўконлари ва овқатланиш масканлари тарихий обидалардан ташқарида — махсус жойда жойлаштирилса, ҳам иқтисодий манфаат, ҳам мададий муҳитни сақлаш ўртасида мувозанат таъминланарди.

Шунингдек тарихий жойларда электрон аудиогидалар, болалар учун интерактив ўргатуви дастурлар, махсус сукут ва ҳўрмат тамойилларига асосланган экскурсиялар ташкил этиш орқали бу масканни маънавий бойлик ва иқтисодий манбага айлантириш мумкин. Туризм фақат пул ишлаш усули эмас, у миллий қадриятларни жаҳонга кўрсатиш воситасидир.

Туризмни ривожлантириш иқтисодиётни юритиш, иш ўринлари очиш ва мамлакат имижини шакллантириш демакдир. Аммо бундаги энг муҳим жиҳат — тарихга ҳўрматни йўқотмаслик. Чунки сайёҳ келиб кетади, аммо бу тупроқда ишайдиган, уни асраб-авайлаши керак бўлганлар — бизмиз. Агар биз тарихни асрасак, тарих ҳам бизни асрайди.

Маҳаллий аҳолида туризм маданияти шаклланиши керак. Ахир тарихий жойларда оддий ҳаёт кечираётганлар айнан шу маконлар орқали бутун юртининг юзига айланди. Турист, биринчи навбатда, биноларни эмас, одамларни кўради, уларнинг муносабати орқали миллат ҳақида тасаввур ҳосил қиладди. Шунинг учун ҳар бир фуқаро, ҳар бир бола, ҳар бир тадбиркор ўзини тарих ҳимоячиси, миллий маданият вакилидек ҳис қилиш лозим.

Ривожланиш ҳар доим ўзгаришни талаб қиладди. Туризмнинг юксалиши фақат давлатнинг сиёсий иродаси ва ислохотлари билан чекланмай, ҳар бир фуқаронинг масъулиятли муносабатига боғлиқ. Саёҳатчилар маданияти, тарихий меросга эҳтиёткорлик ва миллий қадриятларни сақлаш соҳанинг барқарор ривожланишини таъминловчи муҳим омиллардир. Шундай экан, ҳар биримиз туризмнинг фақат иқтисодий манба эмас, балки маънавий ҳамжамият барпо этиш воситаси деб ҳам билишимиз зарур.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Нуктаи назар

Бугунги Ўзбекистон тарихий ўзгаришлар палласида яшапти. Ҳар бир кун — янгилаш, ҳар бир қарор — тараққиёт, ҳар бир ташаббус — халқ фаровонлиги учун хизмат қилаётгани аини ҳақиқат. Ҳозирги кенг қўламли ислохотлар замирида инсон қадрини улуглаш, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини ислох этиш, одамларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш, келажақ эгаларини бунёдкор куч этиб тарбиялашдек олижаноб мақсадлар мужассам.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, педагогика фанлари доктори, профессор


Жорий йил 16 июнь куни ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили бўйича ўтказилган видеоселектор йўналишида ислохотлар натижаси, ҳудудлардаги ишларнинг барори, айниқса, халқимизни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш борасидаги долзарб вазифалар аниқ ва чуқур таҳлил этилди.

Интизом — ислохотлар юзи

Давлатимиз раҳбари sanoat, eksport va investitsiya soxalariда эришилган улкан ютуқларни эътироф этди. Шу билан бирга, айрим ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечилмаётгани, маҳаллий раҳбарларнинг ташаббускорлик кўрсатмаётганини қаттиқ танқид қилди. Президентимизнинг “Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, унинг дарди ва умиди турганини унутмаслигимиз керак. Халқнинг дарди билан яшаш биз учун мажбурият” деган сўзлари раҳбарлар қалбига муҳрланиши, фаолиятида маёқ бўлиши шарт. Бу нафақат бурч, балки виждон амридир.

Амир Темуր бобомиз “Мамлакат аҳволдан, фуқароларнинг тинч-осойишталиги ва фаровонлигидан хабардор бўлмоқ, уларнинг арз-додини тинглаб, муаммоларини ҳал этишга киришмоқ — давлат бошлигининг асосий вазифасидир”, деган. Соҳибқирон саройида эл-улуснинг мурожаатига доим қўлоқ тутилган, шикоятлари бевосита ҳукмдорга етказилган ва адолатли ечим топишган. Мирзо Улуғбек даврида ҳам илму фан ривожига билан бирга халқ фаровонлигига катта эътибор қаратилган. Алишер Навоий “Ҳамса”сида адолатли ҳукмдор образини яратар экан, халқ дардида қўлоқ солиш, ҳаётини яхшилаш — подшоҳнинг энг муҳим вазифаси эканини уқтирган.

Бугуннинг гапи



Феруза МУҲИДДИНОВА, юридик фанлар доктори, профессор

Барча даврда инсоннинг салоҳияти, билими, малакаси ҳамда қобилияти, бошқача айтганда, инсон капитали жамиятнинг фаровонлиги ва давлатнинг иқтисодий тараққиётини белгилаб берадиган ҳал қилувчи куч бўлган. Зеро, инсон капитали инновацион ва билимга асосланган иқтисодиётни шакллантириш, замонавий технологиялар, глобал ахборот тизимлари, янги инвестиция йўналишлари ҳамда илгор бизнес моделларини ривожлантириш учун зарурий шартдир.

Ҳўш, инсон капитали нима ўзи? Бу атама инсон умри давомида тўплайдиган билим, кўникма ва соғлиқ ҳолатини англатади. У одам

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сида ҳам халқ билан мулоқот қилиш, аҳволдан хабар олиш, муаммоларини ҳал этиш борасидаги мисоллар кўп учрайди. Буюк боболаримизнинг давлатни бошқаришдаги асосий тамойили халқпарварлик, адолат ва инсонпарварлик бўлган. Бугунги ислохотлар ҳам ҳудди ана шу азалий қадриятларга таяниб, янгича мазмун билан бойимоқда. Йўналишида ижро интизомини мустаҳкамлаш, халқ муаммолари билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилиши алоҳида қайд этилди. Энди Ҳисоб палатаси ижро интизомига масъул бўлади, унинг ваколатлари кенгайтирилади. У нафақат маблағларнинг тўғри сарфланишини кузатади, балки ҳар бир қарорнинг ижроси натижадорлигини таҳлил қилиб, камчиликларни аниқлайди ва тақлифлар киритади. Бу эса маблағларнинг ҳар бир тийини халқ манфаатига хизмат қилишини таъминлайди.

“Халқ назорати” — шаффофликнинг ҳақ йўли

Энди аҳоли билан мулоқотни кучайтириш, муаммоларини жойида, тезкор ҳал этиш мақсадида “Халқ назорати” электрон портали ишга туширилади. Бу тизим аҳолига ўз ҳудуддаги қурилиш, ободонлаштириш ва инфратузилмадаги муаммоларни суратга олиб, аниқ манзилни кўрсатган ҳолда мобил илова орқали порталга юбориш имконини беради. Ҳар бир муаммонинг ечими фотосурат билан тасдиқланади, ҳокимлар фаолияти эса қўнилик баҳоланади. Ушбу тизим мурожаатларнинг ягона платформаси бўлиб, барча вазирлик, идора ва ҳокимликларни бирлаштиради.

Яна бир муҳим амалиёт — энди Халқ қабулхоналарига туман ва вилоят ҳокимларининг ўзлари раҳбарлик қилади. Мурожаатни бир идорадан иккинчисига юборишдек эски амалиётга чек қўйилиб, масалани шу ернинг ўзида ҳал этиш ваколати кенгайтирилади. Бу чоралар қўғозбозлик ва бюрократик тўсиқларни йўқ қилиб, мурожаатларни тез ва самарали ҳал этишга хизмат қилади.



Маҳаллий бошқарув тизимида янги тажриба

Йўналишида маҳаллий бошқарув тизимида ҳам чуқур ўзгаришлар белгиланди. Ҳар бир ҳокимга 4 ўринбосар бириктирилиб, ривожланиш режасига қараб, барча масала тегишли ўринбосарларга ҳоким томонидан белгилаб берилади. Ҳоким ва ўринбосарларнинг аниқ вазифалари молиявий таъминот билан белгиланади. Агар улар самарали ишласа, кейинги йилдан ҳудудга бериладиган маблағ 10-15 фоиз қўйирилади. Акс ҳолда, маблағ оширилмайди ва масъул раҳбар ишдан кетади. Бу тизим раҳбарларни масъулиятини оширишга, фаолиятига янада жиддий ёндашишга ундайди.

Туманда “Ислохотлар штаби” тузилиб, 3 ой ичида туманнинг 38 та маҳалласи кесими-

Жорий йил бошидан ҳозиргача Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган жами мурожаатлар 36 тани ташкил этган бўлса, университет ваколатига доир 8 таси ижобий ҳал этилган. Университет ваколати доирасидан ташқари 17 та мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунчалар бериш ва бошқа ҳал этувчи органларга йўналтириш орқали талаби қондирилган. Шунингдек, 11 та мурожаат ҳозир белгиланган тартибда ўрганилмоқда.

да лойиҳа, инфратузилма, молиявий манба ва кадрлар масаласини қамраб олган уч йиллик дастур тайёрланади. Келгуси йил учун бюджет, инфратузилма, ишлаб чиқариш, хизмат, инвестиция ва бандлик дастурлари шу асосда тасдиқланади. Бу янги тажриба келгуси йилдан бутун республикада қўлланади.

“Яшил ҳудуд”лар ва шаҳарсозликдаги янгича қараш

Ҳудудларда “яшил ҳудуд”, спорт майдончалари, болалар ўйингоҳларини бошқа мақсадларда бериб юбориш ҳолатлари аниқланиб, жойига қайтарилади. Кўп қаватли уйларга туташ ҳудудларни бошқарув компанияларига бериш бўйича ҳокимларнинг қарорлари ўрганилиб, қўнунга зидлари бекор қилинади.

Бундан ташқари, туманларда бошқарув тизими ҳам ўзгаради. Бу тизим йил ақунгича Сурхондарё вилоятида тўлиқ, қолган ҳудудларда жадал ривожланиш белгиланган 16 та

туман ва шаҳарда жорий этилади. Сирдарё тумани мисолида комплекс ривожлантиришга масъул 9 та вазирликнинг туман бўлими ҳокимлик тизимига ўтади. Улардаги жами штатлар қисқартирилиб, ишга олиш ва лавозимидан озод этиш бўйича тегишли қарорлар ҳоким томонидан қабул қилинади. Сирдарё тумани ихтиёридаги маъмурий ва молиявий жараимлар, солиқ текширувлари бўйича пеня, тоифаси ўзгарган қишлоқ ерлари учун компенсация, ўрмон ерлари ҳудудларининг ижара тўловлари, кўрсатилган давлат хизматларидан тушган маблағларнинг бир қисми қолдирилади. Бу маблағлар маҳаллий бюджетни мустаҳкамлашга ва аҳолининг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилади.

Иш фуқаро розилигидан бошланади

Сўнгги йилларда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, муаммоларга ечим излаш барча даражадаги давлат

органларининг асосий вазифасига айланиб улгурди. Айниқса, таълим соҳасида юзага келган муаммоларни баргараф этиш орқали ёшларимизнинг илм олишига, билим ва салоҳиятларини юзага чиқаришга имкониятлар эшиги кенг очилмоқда. Бу борада Фарғона давлат университети жамоаси ҳам ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб келмоқда.

Мурожаатларнинг белгиланган талабларга мувофиқ кўриб чиқилиши таъминланмоқда. Олийгоҳнинг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш, назорат ва мониторинг бўлими ходимлари “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун ҳамда аҳолини қабул қилиш, фуқароларнинг мурожаатлари ва муаммоларини самарали ҳал этиш тизimini такомиллаштириш юзасидан тузилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ очиқлик, шаффофлик, ҳолислик тамойили асосида фаолият юритмоқда.

Жорий йил бошидан ҳозиргача Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган жами мурожаатлар 36 тани ташкил этган бўлса, университет ваколатига доир 8 таси ижобий ҳал этилган. Университет ваколати доирасидан ташқари 17 та мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунчалар бериш ва бошқа ҳал этувчи органларга йўналтириш орқали талаби қондирилган. Шунингдек, 11 та мурожаат ҳозир белгиланган тартибда ўрганилмоқда.


Бундан ташқари, университет раҳбарияти ҳамда факультет деканларининг шахсий қабули, маҳаллалараро ҳамкорлик, онлайн қабул, сайт, мурожаат ботлари, электрон почта ҳамда ишонч телефони орқали келиб тушаётган мурожаатларнинг ҳар бирини кўтарилган муаммолар ўрнида ҳал этилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Ишни фуқаро розилигидан бошлаш — биз учун қатъий ўлчов”. Халқ дарди билан яшаш, унинг муаммосини ўз вақтида ва самимий ечиш — ҳар бир раҳбарнинг виждоний бурчидир. Фарғона давлат университети жамоаси бу тамойилни ўз фаолиятига йўл кўрсатиб деб билиб, ислохотлар самарадорлигини оширишда бошқаларга намуна бўлишга интильмоқда.

Видеоселекторда белгиланган устувор вазифалар — ижро интизоми, халқ билан мулоқот, инвестиция ва бандлик барчамиздан муштарак ҳаракат, аниқ жавобгарлик талаб қилади. Демак, таълим муассасалари, хусусий сектор, маҳаллий кенгашига ва сиёсий партияларнинг жипс ҳаракатига бугунги беқарор геониктисодий шароитда ҳам барқарор ривожланишни таъминлашга қодир.

“Халқнинг дарди билан яшаш биз учун мажбурият” деган даъват ҳар биримиз учун иш услуби, ҳаёт тарзига айланиши шарт. Бу даъват фақат сўзда эмас, амалда, қалбдан чиққан ҳолда намоян бўлиши лозим. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, унинг оруз-умидлари мужассам. Ана шундангина янги Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши, халқимизнинг фаровон ва бахтли ҳаёт кечирishi таъминланади.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ҚўЛАБ-қУВВАТЛАШ БўЙИЧА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР



навбатига, глобал миқёсда инсон капиталига эҳтиёжини янада оширмоқда.

Шунинг учун ҳам бугун давлатлар олдида турган асосий вазифа, энг аввало, ёш авлод салоҳиятини эрта босқичда аниқлаш ва ривожлантириш, тенг имконият яратишдан иборат. Хусусан, таълим тизимида инновацион ёндашувларни жорий этиш, рақамли технологиялар асосидаги ўқитиш моделларини кенгайтириш, дуал таълим ва касбий тайёргарликни меҳнат бозори талаблари билан

уйғунлаштириш бу жараёнда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ҳам маъзур демографик тенденцияни инобатга олган ҳолда ёшлар сиёсати ва инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ йигит-қиз кириб келмоқда. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1 миллионга етади. Шу сабабли

мамлакатнинг интенсив ривожланиши, иқтисодий ўсиши ва ижтимоий барқарорлигида ёш авлодни тўғри йўналтириш, рақобатбардош билим ва кўникмалар бериш, касбга тайёрлаш, таълим ҳамда иш билан таъминлаш масалалари давлат сиёсатида устувор аҳамиятга эга бўлмоқда.

Президент мактаблари, IT парклар, ёшлар стартаплари учун махсус грантлар жорий этилган бунга аққол мисол бўлади. Шу билан бирга, иқтидорли ёшларни барвақт аниқлаш, илмий лойиҳалар ва халқаро стипендиялар орқали ривожлантириш борасида ҳам институционал ёндашувлар шаклланимоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 15 майдаги “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони инсон капиталини ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатида янги босқични бошлаб берди. Ушбу фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад иқтидорли ёшларни барвақт аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатда инсон капиталини ривожлантиришдир. Иккинчидан, ёшлар билан манзилли ишлаш орқали глобал меҳнат бозорига рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш ҳамда мамлакат тараққиёти учун янги инновацион имкониятлар яратиш.

Учинчидан, ягона платформага бирлаштириш орқали иқтидорли ёшларнинг ўзаро ҳамкорлиги, тажриба алмушуви ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун самарали муҳит яратиш ҳам муҳим вазифа этиб белгиланган.

Фармонга мувофиқ, Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимида Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб-интернат ҳамда Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамжамияти ташкил этилади.

Халқаро мактаб-интернат тўлиқ академик, ташкилий-бошқарув ва молиявий мустақилликка эга давлат умумий ўрта таълим ташкилоти бўлиб, умумий фаолияти мактабгача ва мактаб таълими вазири раислигидаги кузатув кенгаши томонидан тартибга солинади.

Мактабда ўқув жараёни 2025/2026 ўқув йилидан бошланади. Битирувчиларга давлат намунасидаги таълим тўғрисидаги ҳужжат — шаҳодатнома билан бирга етакчи хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имкониятини беришчи халқаро таълим дастури дипломи — International Baccalaureate берилади.

“Президент иқтидорли фарзандлари” миллий дастури доирасида Ўзбекистон бўйлаб 3 минг нафар иқтидорли ўқувчи танлаб олинади ва олий ўқув юртиларига кириш учун зарур билим ва кўникмалар асосида тайёрланади. Шу маънода, “Президент иқтидорли фарзандлари” дастури инсон капиталини эрта босқичда ривожлантириш, таълимда сифат ва самарадорликни таъминлаш ҳамда иқтидорли авлодни мақсадли қўллаб-қувватлаш орқали мамлакат тараққиётини таъминлашга қаратилган узоқ муددатли стратегик ёндашувнинг муҳим таркибий қисмидир. Янги Ўзбекистон шароитида иқтидорли ёшларни барвақт аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш инсон капитали ривожининг стратегик платформаси бўлиб, унинг самарали ташкил этилиши келажақда мамлакатнинг интеллектуал, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини таъминлайди. Давлат сиёсатида маъзур йўналишни устувор қилиб белгилаш замонавий талабларга жавоб бериш билан бирга янги Ўзбекистонни глобал рақобат шароитида муваффақиятли иштирокчига айлантиришнинг стратегик шартидир.

